# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 16 январь, № 9 (6967) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2018 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2018 йилнинг февраль — апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг котиби В. В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 январь

## АҚШ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА

Америка Қўшма Штатлари Марказий Осиёда «С5+1» форматида учрашув ўтказишни режалаштирмоқда.

*«С5+1» Марказий Осиёнинг беш давлати ва АҚШ ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг мулоқотини англатади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ташқи ишлар вазирлари ва АҚШ Давлат котибининг ушбу форматдаги илк учрашуви 2015 йил 1 ноябрда Самарқандда бўлиб ўтган.*

**ТАШҚИ СИЁСАТ**

Хорижий оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарларга кўра, АҚШ Давлат котиби ёрдамчисининг биринчи ўринбосари Элис Уэллс «С5+1» форматидаги шерикликни амалий ва самарали деб атаган.

Аввалги маъмурият томонидан йўлга қўйилган бу формат АҚШ Президенти Дональд Трамп томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланмоқда. Давлат котибимиз Рекс Тиллерсон Нью-Йоркда ўз ҳамкасблари билан бу доирада учрашганди. Келгусида Марказий Осиёда шундай учрашув ўтказилади. Бу лойиҳани мустаҳкамлаш учун АҚШ Конгресси 15 миллион доллар маблағ ажратган, деган Элис Уэллс.

Унинг сўзларига кўра, Америка Қўшма Штатлари Марказий Осиё бирлашаётгани ва минтақанинг умумий муаммоларини ҳал қилаётганидан хурсанд.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бундай натижага Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли эришилди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимидаги нутқида Ўзбекистон барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишини таъкидлаган эди.

Бу мақсадлар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топди. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилишни ҳал этиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Ўтган қисқа вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди. Президентимиз илк давлат ташрифларини қўшни мамлакатларга амалга оширди. Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари давлат ташрифи билан Тошкентда бўлди. Тожикистонга олий даражадаги сафар режалаштирилмоқда. Бу Ўзбекистон ташқи сиёсатда яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганини яққол тасдиқлади.

Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва сиёсий иродаси туфайли минтақада ишонч даражаси сезиларли ошди. Давлат чегаралари, сувдан фойдаланиш муаммолари, транспорт йўлаклари, савдо алоқалари, ҳудудлар ҳамкорлиги каби кўплаб масалалар бўйича ўзаро манфаатли ечимлар топишга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистоннинг янги «Буюк хартия»си

*Давлатимиз раҳбарининг тарихда биринчи марта халқ вакилларига йўллаган Мурожаатномаси Ўзбекистонда ижобий ўзгаришлар учун стратегик асос бўлиб, мамлакатимиз ва чет эл эксперт доираларида кенг қўллаб-қувватланмоқда.*

**ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ**

Халқаро ҳамжамият томонидан Мурожаатномага чуқур эътибор билан қаралаётгани юртимизда кечаётган янгиланишлар республикамиз имижини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этишидан далолатдир. Чунки ташқаридан билдирилаётган фикрлар, қарашлар ислоҳотларнинг ҳақиқий кўламини баҳолаш имконини беради. Масалан, **озарбайжонлик таниқли сиёсатшунос Тофиқ Аббосов** Мурожаатномани таҳлил қилар экан, Шавкат Мирзиёевнинг фикрларидан, хулосаларидан Ўзбекистонда янги сиёсий маданият шаклланаётганини англаш мумкинлигини ёзади. Экспертнинг қайд этишича, Ўзбекистон раҳбари мазкур масъулиятли лавозимга киришганининг илк кунлариданоқ халқ ва ҳокимият муносабатларини манманлик, ёпиқлик ҳамда ишончсизликдан “тозалаш”га алоҳида урғу берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси ва Виртуал қабулхонаси тизими фуқаролар билан ишлашда принципиал жиҳатдан янги демократик институтга айланди ҳамда ўз натижаларини бера бошлади. Қабулхоналарга бир йил ичида 1,5 миллиондан ортиқ мурожаатлар бўлгани, уларда кўтарилган муаммолар вақтида ҳал қилингани ҳам чинакам халқ ҳокимияти ифодаси саналади. Т. Аббосовнинг фикрича, Ўзбекистон бу борада бошқаларга ўрнак бўладиган механизм ярата олди. Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташаббусидан сўнг шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон шароитида мазкур ишонч муҳитига дарз кетмайди. Бу фикрни бугун жуда кўплаб экспертлар баҳоларида учратиш мумкин.

**Жон Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти (АҚШ) раҳбари Фредерик Старр**нинг таъкидлашича, Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси Ўзбекистоннинг кенг маънода глобал рақобатдош иқтисодиёти ва очиқ бошқарув тизимига эга бўлган замонавий давлат сифатида ривожланишини ифодалайди. У ўзбек халқининг хоҳиш-иродаси асосида истиқболдаги вазифалар изчил амалга оширилишига ишонч билдирди.

**Покистондаги “Defence Journal” журнали геосиёсат ва иқтисодиёт бўлими раҳбари Маҳмуд-ул-Ҳасан Хон** мамлакатнинг марказий нашрларидан бири — “The National Courier” газетаси сайтидаги мақоласида Ўзбекистон Президентининг парламентга Мурожаатномасини “Ўзбекистонни ривожлантириш учун янги “Буюк хартия” деб эътироф қилди ҳамда бу таъриф бутун Покистон жамиятида кенг акс садо берди.

Ўз навбатида, **Германия — Осиё иқтисодий форуми бошқаруви аъзоси Михаэль Борхман** мазкур дастуриламал ҳужжат муфассал ишлаб чиқилганини, ҳар бир вазифани амалга ошириш учун аниқ чора-тадбирлар, “йўл харитаси” белгилаб олинганини қайд этди.

**Варшава сиёсий фанлар институти профессори Януш Залежний**нинг сўзларига кўра, Ўзбекистон Президентининг Мурожаатномаси демократиянинг ҳақиқий ифодаси сифатида мамлакат ривожининг деярли барча қиррасини қисқа ва ўрта муддатга қамраб олган кенг кўламли ижобий ислоҳотлар дастуридир.

Гап давлатни кенг кўламда ислоҳ қилиш ҳақида кетганда, шахснинг тарихий хизматларини муносиб баҳолаш, албатта, ўринлидир. **Хитой замонавий халқаро муносабатлар академияси институти бўлими бошлиғи Дин Сяосин**нинг айтишича, ўтган бир йил давомида Шавкат Мирзиёев мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашда мислсиз ислоҳотларни амалга ошириб, жасорати, улкан салоҳияти ва юқори ташкилотчилик қобилияти билан барчани ҳайратлантирди.

**Украинадаги машҳур “Европа — Осиё — Медиа” нашри бош муҳаррири Артур Гашенко** Ўзбекистоннинг сўнгги ютуқларини таҳлил қилиб, давлатнинг муваффақиятли ўзгариши, минтақанинг барқарор, тинч ривожланиши учун мамлакат раҳбарияти нима қилиши зарурлиги ва қай йўналишда ҳаракатланиши кераклиги бўйича аниқ тасаввурга эгалигини ёзади.

Шу маънода, мамлакатимизда 2018 йилга ном берилиши ҳам хорижий экспертларнинг эътиборидан четда қолмади. Хусусан, **Болтиқ янгиликлари хизмати (Латвия)нинг халқаро хабарлар муҳаррири Алвис Эглитис** Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномада 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном бериш бўйича ташаббусини юқори баҳолаб, мамлакат келажаги — инновациялардан иборатлигини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистондан етишиб чиққан буюк аждодлар, олиму фузалолар Шарқ Уйғониш даври ва қадимий тамаддунларнинг энг буюк намояндалари ҳисобланиб, мамлакат бу тарихий меросни давом эттиришга ва замонавий дунёда ҳам тараққиётнинг етакчиси бўлишга тайёр”, дея ёзади Эглитис.

(Давоми 2-бетда).

## Ҳарбий хизматчилар энг илғор, инновацион билим ва кўникмаларга эга бўлади



10 январь куни Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида нутқ сўзлаб, юртимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича ўтган давр мобайнида эришилган ютуқлар билан бирга, мавжуд камчилик ва муаммоларни аниқ ҳаётий мисоллар асосида чуқур таҳлил қилиб берди.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**МУНОСАБАТ**

Уларни бартараф этиш юзасидан олдимизда турган энг муҳим устувор вазифаларга эътибор қаратди.

Президентимиз Қуролли Кучларимизнинг бугунги ҳолатига қуруқ рақамлар, тайёрлаб қўйилган маълумотлар асосида эмас, балки ўзлари бевосита жойларда бўлиб, ҳар бир тизим фаолияти билан яқиндан танишганларидан сўнг чиқарган хулосалари асосида баҳо бердилар. "Мен йил давомида Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини таҳлил қилиб бордим. Ҳарбий ўқув машқларини Каттақўрғон полигонида кузатдим, Жануби-Ғарбий, Шарқий ва Тошкент ҳарбий округларида Мудофаа вазирлиги ва чегара қўшинлари бўлинмаларини, бугун эса Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмни бориб кўрдим. Ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашдим, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитдим. Натижада кўп йиллар давомида йиғилиб қолган жиддий, тизимли муаммолар аниқланди.

(Давоми 3-бетда).

## Ватан тақдири учун юксак масъулият

*Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригини барчамиз катта ҳаяжон билан тингладик.*

**ДИЛ СЎЗИ**

Унда Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олингани алоҳида таъкидланиб, шу асосда аниқ чора-тадбир ва ҳаракатларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилингани, уларни амалга ошириш бўйича самарали ишлар ташкил этилгани айтиб ўтилди. Ўз навбатида, Қуролли Кучларимизни янада ривожлантириш, унинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини ошириш масаласи доимо эътиборда бўлиши ҳамда давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолиши қайд этилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукм сураяпти. Бундай мураккаб шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш жуда долзарб саналади. Шу боис мудофаа соҳасида йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш, Қуролли Кучларимизни замон талаблари даражасида такомиллаштириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси янгиланган ҳолда қабул қилинди. Бу доктринанинг маъно-мазмуни биринчи марта очиқлик хусусиятига эга бўлди. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сиёсати бўйича принципиал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари, Қуролли Кучлар олдида турган вазифалар, шунингдек, миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар белгилаб берилди.

(Давоми 3-бетда).

## Давлат дастури лойиҳасида юртдошларимиз орзу-умидлари акс этмоқда

*Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси қизғин кечмоқда. Юртдошларимиз лойиҳа бўйича фикр-мулоҳазаларини нафақат www.2018.strategy.uz сайтида, айни пайтда экспертлик муҳокамаларида, жойларда депутатлар, сенаторлар билан ташкил этилаётган учрашувларда, бошқа мулоқот майдонларида билдиришаяпти.*

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

Жумладан, "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан дастур лойиҳасининг бешта йўналиши бўйича мутасаддилар иштирокида тақдимотлар ўтказилди, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси экспертлик муҳокамаларини ташкил этди.

Дастурнинг учинчи — иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар кўзда тутилаяпти. Хусусан, мамлакат ички бозорида истеъмол товарлари ва хизматлар бўйича нархлар кескин ошишининг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар белгиланади. Эътиборлиси, дастур лойиҳасининг ушбу банди бўйича фуқароларимиздан кўплаб фикрлар, таклифлар келиб тушган.

(Давоми 2-бетда).

## Қонунчилик муаммолари ўрганилади, таъсирчан механизмлар қўлланилади

*Бугунги давр Олий Мажлис палаталари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, сиёсий партиялар иш услубини ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни қатъий талаб этмоқда.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилгани парламент фаолиятида профессионалликни кучайтиришга қаратилган жиддий қадам бўлиб, депутат ва сенаторларга қонунчилик ва вакиллик вазифаларини, аҳоли муаммоларини самарали ҳал қилишга, ижро этувчи ҳокимият органлари устидан амалга оширилаётган парламент ва депутатлик назоратининг таъсирчанлигини кучайтиришга имкон беради.

Кеча парламент қуйи палатасида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг тақдимот маросими ўтказилди.

Халқаро ҳамжамиятни мазкур институтнинг асосий мақсад ва вазифалари, тузилмаси, яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган муҳим устувор йўналишлари билан таништириш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган нуфузли халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Тақдимотда институт томонидан 2018 йилга мўлжалланган аниқ чора-тадбирлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросини кўриб чиқиш, қабул қилиш ва мониторинг қилиш тартибини такомиллаштириш, қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қонунларнинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда уларнинг амалиётда қўлланилишини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш, парламент фаолиятининг методологик асосларини яратиш каби лойиҳалар юзасидан батафсил маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда).

2018 ЙИЛ — ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

O'ZSANOATQURILISHBANK

# Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини яратиш — муҳим вазифа

## "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ана шу мезон асосида фаолият кўрсатмоқда.




Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ҳамда янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификациялаш бўйича қатор қонунлар, Фармон ҳамда қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ислоҳотлар жараёнида тадбиркорларга, қолаверса, ўз бизнесини йўлга қўйиб, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшаман, ҳам оилам, ҳам Ватанимга наф келтираман, деган ташаббускор юртдошларимизга барча шароит яратиб берилаяпти, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун ўтган йили давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ҳамда имкониятлари сафарбар этилди. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам 2017 йилда иқтисодиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги ва самарали ислоҳотларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамлар қўйилганини алоҳида таъкидлади. Ушбу анжуманда давлатимиз раҳбари 2018 йилга юртимизда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном бериш таклифини билдиргани юртдошларимиз томонидан катта хурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олингани мамлакатимизда тадбиркорлар бундан кейин ҳам юксак рағбатлантирилиши ҳамда бошланган эзгу саъй-ҳаракатлар юқори суръатда давом эттирилишини англатади.

Шу нуқтаи назардан "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ҳам ўз фаолиятида ҳар бир фуқаро ўзининг куч ва имконияти, қобилият ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кўмаклашиш, халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиш ва шунга етаклашга энг муҳим йўналишлардан бири сифатида алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида тижорат банклари муҳим ўрин тутишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Негаки, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва истиқболли инвестициявий лойиҳаларни тижорат банкларининг молиявий кўмагисиз муваффақиятли рўёбга чиқариш мушкул.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан тижорат банкларига ҳар бир оила билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш орқали фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига кенг имконият яратиш, шу мақсадда молия муассасалари ва уларнинг жойлардаги филиаллари тадбиркорларга молиявий кўмак ҳамда мадад бериши асосий устувор вазифа этиб белгиланган эди.

Ана шу вазифалар доирасида юртимиз банк тизими тубдан ислоҳ қилиниб, улар томонидан бизнес субъектлари учун кўплаб имтиёз ва имкониятлар жорий қилинди. Бу борада "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Жумладан, хусусий тадбиркорлик ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, аҳолининг банкка ишончини мустаҳкамлаш ва янги иш ўринлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўзининг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, уни амалиётга фаол татбиқ қилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги мавжуд 45 та филиалда аҳолини бизнес соҳасига кенг жалб этиш ва микрокредитлар беришга ихтисослаштирилган алоҳида бўлим фаолияти самарадорлиги оширилди. Банк томонидан 2017 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 1,4 триллион сўм маблағ ажратилди.

Хўш, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ фаолияти ҳақида мижозлар қандай фикрда? Молия муассасасининг кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб ишбилармонларнинг бу борадаги мулоҳазалари билан қизиқдик.

## Имтиёз ва имкониятлар тақдим этилди

**Баҳодир ҚОДИРОВ,**
**"Термиз таъминот" хусусий корхонаси раҳбари:**

— 2017 йил мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирди. Ҳар бир соҳада янгича ёндашув асосида қатор муваффақиятларга эришилди. Биз, тадбиркорлар учун ҳам омадли йил бўлди, десак, муболаға эмас. Боиси, Президентимиз ташаббуси билан ишбилармонларга улкан имкониятлар эшиги очиб берилди, қатор қулайликлар яратилди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони фаолиятимизни янада кенгайтиришда қўл келмоқда.

Мазкур Фармон доирасида маҳсулот ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер хўжаликларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш мақсадида чет эл валютасидаги даромадларни эркин тасарруф этиш, бунда банк ҳисобварақларидан нақд чет эл валютасини ечиб олишгача бўлган ҳуқуқ берилди. Авваллари ускунамизга эҳтиёт қисм зарурати сезилса, валюта сабаб узоқ вақт кутишга мажбур бўлардик. Бугун эса берилаётган бундай имтиёз ва рағбат тадбиркор жонига оро кирди. Бу дегани, эндиликда ишлаб чиқариш йўналишидаги юмушлар тўхтаб қолмайди.

Вилоятимизда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш жараёнлари йилдан-йилга кенгайиб бораётгани туфайли, табиийки, қурилиш маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортмоқда. Буни инобатга олиб, корхонамиз томонидан Термиз шаҳрида ёғоч плиталар (ДСП) ўрнини босувчи қамиш заррачали плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Натижада йилига 35,5 миллиард сўм миқдоридаги 30 минг куб метр ана шундай маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга бўлдик.

Аммо бу кўрсаткич республикамиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, умумий эҳтиёжнинг атиги 5 фоизига тўғри келади, холос.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини катта қизиқиш билан тингладик. Фаол тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фикрларидан таъсирланиб, ўз фаолиятимизни янада кенгайтиришга қарор қилдик. Яъни инновацион ғоялар асосида қамишни қайта ишлаш бўйича 150 минг куб метр ҳажмга тенг янги лойиҳага қўл урдик. Мазкур лойиҳа доирасида жорий йилдан бошлаб, тайёрлаётган қамиш заррачали плиталаримизни бутун мамлакатимиз ҳамда қўшни давлатларга етказиб бериш режамизда бор. Яна бир муҳим жиҳат — яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, 2,2 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилган.

Плиталарни тайёрлашга мўлжалланган асбоб-ускуналарни харид қилишимизда бизга "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ яқиндан кўмак берди. Хусусан, Хитойнинг "Fujian Hada Intelligence Technology Co., LTD" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 1,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ускунани банкнинг Сурхондарё минтақавий филиали ёрдамида харид қилдик.

Мазкур лойиҳа орқали вилоятимизда истиқомат қилаётган 154 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашга эришдик. Фаолиятимизни ривожлантиришда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБдан миннатдормиз.

## Тасаввур ҳам қилмаган эдик

**Жамшид ЖАББОРОВ,**
**Бухоро шаҳридаги "Sanoat gilam" қўшма корхонаси раҳбари:**

— Киши бирор мақсадни ўз олдига қўйдими, дадил ҳаракатланса, ниятига, албатта, эришар экан. Бунга ўз иш фаолиятим мисолида гувоҳ бўлиб турибман. 2001 йилда "Sanoat gilam" қўшма корхонасини ташкил қилганимизда, орадан йиллар ўтиб тадбиркорлигимиз бугунги даражага етишини тасаввур ҳам қилмаган эдик. Мана, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишбилармонлик, тадбиркорлик фаолияти доимий қўллаб-қувватланмоқда. Юртбошимизнинг тарихий нутқи — Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам бизнес вакилларига қулай шарт-шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Мисол учун, аксарият тадбиркорларни қийнаб қўяётган масала ўз фаолиятида дуч келаётган ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ эди. Президентимиз шу хусусда тўхталиб, жумладан, тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятни такомиллаштириш чораларини кўриш, тадбиркорларга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш, меҳнат ҳуқуқи бўйича юридик хизматлар кўрсатиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш каби йўналишларни кучайтириш бўйича таклифлар билдиргани биз, бизнес вакилларининг айни дилимиздаги гаплар бўлди.

2017 йил бошида "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг шаҳримиздаги филиали ходимлари маҳалламизга келиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки кенгайтиришни истаган фуқароларга бир қанча бизнес лойиҳаларни таклиф қилди. Анчадан бери бизнесимни кенгайтиришни ўйлаб юрардим, лекин иккиланиш бор эди. Банк ходимларининг кредит олиш бўйича берган таклифи ва тушунтиришлари мендаги шубҳаларга барҳам бериб, ғайратимга ғайрат қўшди.

Тўқимачилик матоси (сатин) ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуна сотиб олиш орқали корхонамиз ишини кенгайтириш мақсадимни "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан ажратилган кредит ҳисобига амалга оширдим. Банк қисқа фурсат ичида қарийб 2 миллион 100 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратди.

Янги лойиҳани пухта бошлаш учун, албатта, инновацион ғояларни ўрганиш зарур. Шундан келиб чиқиб, дунёда ушбу соҳада катта тажрибага эга Хитой, Ҳиндистон, Германия, Франция, Италия, Австрия, Бельгия, Жанубий Корея сингари давлатларда бўлиб, уларнинг тўқимачилик борасидаги тажрибаларини ўргандим.

Ўрганишларим давомида Бельгия давлатининг саноати мени қизиқтириб қўйди. Шу боис банк томонидан ажратилган кредит маблағларига Бельгия технологияси асосида тўқимачилик матосини ишлаб чиқарувчи энг замонавий асбоб-ускунани сотиб олдик. Натижада шаҳримиздаги 42 кишининг бандлиги таъминланди. Айни пайтда корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш режамизда бор.




## Орзулар рўёбга чиқаяпти

**Олег ДЛЯНЧЕВ,**
**Миробод туманидаги "Vida Wiring Technologies" МЧЖ раҳбари:**

— Президентимиз ташаббуси билан аҳолини тадбиркор қилиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар туфайли мен каби ишбилармон бўлиш ҳаракатида юрган минглаб юртдошларимизнинг орзуси рўёбга чиқмоқда. Яъни 2017 йилдан бошлаб, улар учун тижорат банкларида кредит маблағлари ажратилиши эвазига қулай имкониятлар яратилди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотлар натижасида корхонамиз фаолиятини кенгайтириш ниятида аҳолига сифатли, арзон ва импорт ўрнини босувчи қурилиш материалларини етказиб беришга қаратилган янги лойиҳага қўл урдим. Металл маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган, қиймати 10,8 миллиард сўмга тенг "ВР-2" маркали асбоб-ускунани харид қилиш учун "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБдан 3,4 миллиард сўмлик кредит олдим.

Ушбу ускуна йилига 10 турдаги 7200 тонна металл (сим) маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Мазкур лойиҳа сабаб корхонамизда фаолият кўрсатаётган 74 киши сафига яна 10 нафар ишчи қўшилди. Қувонарлиси, ишлаб чиқаришга керак бўладиган хом ашёнинг 50 фоизи маҳаллий ташкилотлардан олинаётгани бизга янада қулайлик яратмоқда. Бу эса даромаднинг ўсишига турткi бераётир. Келгусида тайёр маҳсулотларимизнинг ўртача 10 фоизини қўшни давлатларга экспорт қилиш ниятидамиз. Шу билан бирга, лойиҳа натижасида йилига 30,0 миллиард сўмлик металл (сим) маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирганмиз.

## 120 киши иш билан таъминланди

**Абдурашид ТОЖИБОЕВ,**
**Ангрен шаҳрида жойлашган МЧЖ шаклидаги "National Ceramics" қўшма корхонаси раҳбари:**

— Ишбилармонларга яратиб берилаётган имкониятлар сабаб аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқиши янада кучаймоқда. Боиси фаолиятини кенгайтирмоқчи, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган ҳар бир киши давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, ҳуқуқ ва манфаатлари меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланаяпти.

2018 йилнинг мамлакатимизда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилиниши бизнес муҳитини ривожлантириш, янги босқичга кўтариш борасидаги муҳим ташаббусдир. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни 2 йил муддатга тўхтатиш белгилангани барчани беҳад қувонтирди. Бу жуда катта эркинлик!

2014 йилда ташкил этилган корхонамиз, асосан, қурилишбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослаштирилган. Шу кунга қадар корхонамизда 15 нафар ходим фаолият кўрсатар, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда тақсимланарди.

Кўпдан бери фаолиятимизни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни мақсад қилиб юрардим. "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ходимлари корхонамиз эшигини тақиллатиб келишмагунча, ишни нимадан бошлаб, қандай давом эттириш бўйича аниқ режам йўқ эди.

Банк ходимларининг тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар борасидаги маслаҳатларини тинглаб, фаолиятимиз доирасини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи керамогранит ва керамик плиткалар тайёрлашга мўлжалланган ускуналарни харид қилиш мақсадида "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБдан қарийб 10 миллион евро кредит олишга қарор қилдим. Ушбу маблағга Италиядаги "Sacmi Imola" корхонасининг энг сўнгги русумдаги технологияларини сотиб олиб, маҳаллий хом ашё асосида ҳар хил турдаги керамик плиткалар, яъни девор ва пол учун мўлжалланган плиткалар ишлаб чиқараяпмиз. Бир вақтлар 15 киши фаолият юритган корхонамизда лойиҳа сабабли иш ўрни кўпайиб, жамоамиз аъзолари 120 нафарга етди. Бу шунча оилага файзу барака кирди дегани, албатта.

*Дарҳақиқат, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан амалга оширилаётган ишлар мисолида кўришимиз мумкинки, юртдошларимизнинг ишбилармонлик фаоллигини кучайтиришда ҳар бир ҳудуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, намунавий бизнес лойиҳалар таклиф этилаётгани муҳим омил бўлмоқда.*

*Президентимиз томонидан "2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" дея эълон қилиниши юртимиздаги тадбиркорлар шижоатини ошириб, янгидан-янги ғояларни илгари суриш учун катта куч бериши, шубҳасиз. Зеро, бугунги ишбилармоннинг замон талабларига ҳар томонлама мос ҳамда ахборот технологиялари, инновацион ғоялардан хабардор бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу унга янги имкониятлар эшигини очиши билан бирга, юрт тараққиётига камарбаста бўлиш, чин маънода, тадбирли тадбиркорга айланишида асқатади.*

**Фурқат САНАЕВ**
**тайёрлади.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 145. 144 061 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ижродан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси жавобгар. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жониқонов.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳих — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5